

Аллоҳ таолога икки томчи ва икки оёқ изидан маҳбуброқ нарса йўқдир

10:40 / 06.07.2018 3714

Абу Умома Судай ибн Ажлон ал-Боҳилий розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Аллоҳ таолога икки томчи ва икки оёқ изидан маҳбуброқ нарса йўқдир. Улар: Аллоҳдан қўрқиб тўкилган ёш томчиси ва Аллоҳ таоло йўлида тўкилган қон томчиси. Ҳамда Аллоҳ йўлида босилган қадам изи ва Аллоҳ фарзларидан бир фарзни адо этиш учун босилган қадам изи», дедилар.

Имом Термизий ривоят қилиб, ҳасан ҳадис, дедилар.